

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ–  
ТАДҚИҚОТИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДИЁРОВА МУҲАББАТ ХУРРАМОВНА**

**ГАЗ САНОАТИ ОЛТИНГУГУРТ БИРИКМАЛИ ЧИҚИНДИЛАРИНИ  
ҚУРҒОҚЧИЛ МИНТАҚА ТУПРОҚЛАРИ ХОССАЛАРИГА ВА  
ДАРАХТЛАРГА ТАЪСИРИ ҲАМДА УЛАРНИ  
ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**03.00.13 – Тупроқшунослик**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктор философии (PhD) по  
биологических наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy(PhD)on  
biological sciences**

**Диёрова Муҳаббат Хуррамовна**

Газ саноати олтингугурт бирикмали чиқиндиларини қурғоқчил минтақа  
тупроқлари хоссаларига ва дарахтларга таъсири ҳамда уларни яхшилаш  
йўллари..... 3

**Диерова Муҳаббат Хуррамовна**

Влияние сернистых отходов газовой промышленности на свойства  
почв и растений аридной зоны и пути их улучшения..... 21

**Diyorova Muhabbat Xurramovna**

Influence of sulphurous waste of the gas industry on the properties of soils  
and plants in the arid zone and ways to improve them..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ–  
ТАДҚИҚОТИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДИЁРОВА МУҲАББАТ ХУРРАМОВНА**

**ГАЗ САНОАТИ ОЛТИНГУГУРТ БИРИКМАЛИ ЧИҚИНДИЛАРИНИ  
ҚУРҒОҚЧИЛ МИНТАҚА ТУПРОҚЛАРИ ХОССАЛАРИГА ВА  
ДАРАХТЛАРГА ТАЪСИРИ ҲАМДА УЛАРНИ  
ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**03.00.13 – Тупроқшунослик**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/B142 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Фарғона давлат университетида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Юлдашев Гулом  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Исоқов Валижон Юнусович  
биология фанлари доктори, профессор  
Абдрахмонов Тўхтасин Абдрахмонович  
биология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** Самарқанд кишлоқ хўжалик институти

Диссертация химояси Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «05» 03 соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (+99871) 246-76-00; e-mail: [info@soil.uz](mailto:info@soil.uz))

Диссертацияси билан Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (барамаки билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-15-38.

Диссертация автореферати 2018 йил «21» 02 кунни тарқатилди.  
(2018 йил «21» 02 даги рақамли реестр баённомаси).



*[Signature]*  
**Р.Қ.Кўзиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор.

*[Signature]*  
**Н.Ю.Абдурахмонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим.

*[Signature]*  
**М.М.Тошқўзиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати:** Бугунги кунда дунёда турли саноат корхоналарининг фаолияти, фойдали қизилма конларини казиш, улардан турли соҳаларда фойдаланиш жараёнлари ва антропоген омиллар таъсирида тупроқ қопламининг кимёвий ифлосланиши, уларнинг хосса-хусусиятларини ўзгариши ҳамда унумдорлигининг пасайиши кузатилмоқда. Чунки, дунё бўйича 116 мамлакатда 660 дан зиёд нефтни қайта ишлаш заводи иш фаолиятини юритади<sup>1</sup>. Атроф-муҳит ифлосланиши натижасида ёмғир суви таркибида кислоталарнинг вужудга келиши, тупроқнинг деградацияга учраши, ҳосилдорликнинг сифат ва миқдор жиҳатдан пасайиши ҳамда экотизим билан боғлиқ муаммоларнинг шаклланишига олиб келмоқда.

Атмосфера ҳавоси орқали тупроқ ҳамда ўсимлик таркибида тўпланиб бораётган чиқинди токсикантлардан тозалаш бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан<sup>2</sup>: International Maritime Organization (IMO) United States Department of Agriculture, American University Washington (АҚШ), China National Environmental Monitoring Center (Хитой), Московский государственный университет (Россия), University Tsukuba, University Kyoto (Япония), Anaisda Academia Brasil Global Forum of Agricultural Research (GFAK)да янги технологиялар яратилиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилмоқда.

Бугунги кунда республикаимиз қишлоқ хўжалигида, жумладан, ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳаларида илмий, илмий-амалий ишлар тизимли йўлга қўйилди ҳамда муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада турли тупроқ типлари бўйича саноат чиқиндилари, техноген моддалар, оғир металллар деб аталувчи кимёвий бирикмаларнинг тупроқ ҳамда барча ўсимликлар қопламига таъсири юзасидан республикаимиз миқёсида тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, нефть маҳсулотларини тупроқ таркибидан тозалаш бўйича ишланмалар ишлаб чиқилган, суғориладиган тупроқлар таркибида оғир металллар ҳаракатини камайтириш ва тозалаш технологиялари яратилган. Шу билан биргаликда тупроқ-иқлим шароитига мос, атмосфера ҳавосида тарқалаётган турли хил кимёвий бирикмаларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш борасида чора-тадбирларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам турли-тупроқ

<sup>1</sup> <http://www.mathproinc.com>

<sup>2</sup> <https://www.usda.gov>; [www.chinacp.org](http://www.chinacp.org); <http://www.imo.org>; <http://www.edu.khsu.ru>; <http://www.american.edu> <http://www.tsukuba.ac.jp>; <http://www.kyoto-u.ac.jp/ja>; <http://www.scielo.br>.

иқлим шароитида саноат чиқиндиларидан ажралаётган кимёвий токсик таъсир эътувчи омилларни аниқлаш, атроф-муҳитни экологик жиҳатидан тозалаш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги 142-сон ва 2018 йил 13 февралдаги «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги 375-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» мавзусидаги устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Асосан олтингугурт бирикмаларидан иборат бўлган саноат чиқиндиларини тупроқларнинг агрокимёвий, физикавий хоссалари микроэлементлар билан ифлосланиши ҳамда ўсимлик қоплами, хусусан манзарали ва мевали дарахтлар хосса-хусусиятларига таъсири, чиқинди токсик моддалар таркибидаги захарли кимёвий элементларни аниқлаш ва камайтиришга қаратилган изланишлар хорижлик олимлардан Г.К.Скрябин, М.В.Иванов, Х.Р.Френей, Г.В.Мотузова, Е.А.Карпова, Г.В.Добровольский, Е.Д.Никитин, Н.Т.Ким, С.Williams, David, Wang Jin Hua, Ding Hui, Ўзбекистонлик олимлардан Х.Т.Рискиева, Х.Х.Турсунов, Л.А.Гафурова, Т.А.Абдрахмонов, З.А.Жабборов, Т.У.Рахимов, Х.Н.Каримов ва бошқалар томонидан ўрганилган. Лекин, газ саноати олтингугурт бирикмали чиқиндиларини қурғоқчил минтақа тупроқлари хоссаларига ва дарахтларга таъсири ҳамда уларни яхшилаш йўллари доирасида етарлича тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университетининг илмий тадқиқот ишлар режасининг №1/1-сон «Муборак газни қайта ишлаш заводи ҳудудида ўсимликлар мониторингини олиб бориш ва атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш» (2008–2011 йй.) хўжалик шартномаси ва КХА-8-110-2015 «Юқори ҳосилли янги истикболли, маҳаллий ва четдан келтирилган мева ва узум навларини ўрганиш ва ажратиш» (2015–2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Завод чиқиндиларидан водород сульфид ( $H_2S$ ) ва сульфат ангидрид ( $SO_2$ ) нинг суғориладиган қумли чўл, тақирли ҳамда оч

тусли бўз тупроқларнинг физикавий, кимёвий, агрокимёвий, микробиологик, мелиоратив хусусиятларига, мевали дарахтларда кечадиган агробиологик жараёнларини ўзгаришларига, ҳосилдорлигига ҳамда ҳосил сифатига таъсирини тадқиқ этишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

водород сульфид ( $H_2S$ ) ва сульфат ангидрид ( $SO_2$ )дан иборат чиқинди газларни суғориладиган қумли чўл, тақирли ва оч тусли бўз тупроқларининг физик, сув–физик, мелиоратив, агрокимёвий хоссаларига таъсирини тадқиқ этиш;

олтингугурт бирикмаларининг тупроқ таркибидаги микроорганизмлар (бактериялар, актиномицетлар ва замбуруғлар) динамикасига таъсирини аниқлаш;

олтингугурт элементини беҳи, олма, ўрик, бодом, олча, шафтоли дарахтларининг вегетатив ва генератив органларига таъсирини ўрганиш;

мева дарахтларда рўй берадиган муҳим физиологик жараёнлар – сув режими ва транспирацияга, ҳосилдорлиги ҳамда ҳосил сифатига таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Муборак газни қайта ишлаш заводи атрофида шаклланган суғориладиган қумли чўл, тақирли, оч тусли бўз тупроқлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** суғориладиган тупроқлар, сув, ўсимлик, озиқа моддалари, олтингугурт бирикмалари, микроорганизмлар ва тупроқнинг экомелиоратив ҳолати ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тупроқ ва ўсимликларда таҳлиллар олиб бориш ва ҳисоб–китоблар «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Методы агрохимических анализов почв растений» ва Е.В.Аринушкинанинг «Руководство по химическому анализу почв» услубларида ҳамда академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг қўлланмалари ва дастурлари асосида ўтказилди. Маълумотларнинг статистик таҳлили «Microsoft Excel» дастури ёрдамида дисперсион услуб (Б.А.Доспехов) асосида амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Қашқадарё воҳасининг чўл минтақа ва суғориладиган оч тусли бўз тупроқларининг газ саноат чиқиндилари ( $H_2S$  ва  $SO_2$ ) таъсирида тупроқ–экологик, генетик ва тупроқ–кимёвий, мелиоратив хусусиятларини ўзгариши исботланган;

техноген модда сифатида ажралиб чиқадиган завод чиқиндилари – водород сульфид ( $H_2S$ ) ҳамда сульфат ангидрид ( $SO_2$ ) бирикмаларининг турли физик ҳолатда ва концентрацияда ўсимликда, тупроқда ҳаракатланишининг таъсир қилиш механизмлари аниқланган;

тупроқдаги олтингугурт микдори билан гумус, ялпи N,  $P_2O_5$ ,  $K_2O$  ва ҳаракатчан озиқа элементлар ўртасида корреляцион боғланишлар аниқланган;

ёғингарчилик миқдори жуда кам, атмосфера ҳамда тупроқ қурғоқчилиги яққол сезилиб турган арид, кескин континентал иқлимли шароитда олтингугуртли бирикмаларнинг таъсир доирасини атмосфера-ўсимлик-тупроқ ва тупроқ-ўсимлик-атмосфера бўйлаб айланма ҳаракати аниқланган;

меваги дарахтларнинг завод чиқиндиларига чидамлилиги даражаси бўйича беҳи-олма-ўрик-олча-бодом-шафтоли дарахтларининг экологик қатори ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Қашқадарё воҳасининг чўл ва бўз тупроқлар минтақасининг суғориладиган қумли чўл, тақирли ва оч тусли бўз тупроқларнинг экомелиоратив ва генетик хусусиятлари, ҳар хил шароитда хилма-хилналик жинслари устида шаклланган суғориладиган қумли чўл, тақирли ва оч тусли бўз тупроқларнинг агрокимёвий, физикавий, мелиоратив, микробиологик хоссалари, уларда ҳар хил миқдорда ва турли чуқурликда сульфатларнинг аккумуляцияси, миграцияси табиий ва техноген шароитда аниқланган.

Табиий ва техноген шароитда, яъни чиқинди газлар ( $H_2S$ ,  $SO_2$ ) таъсирида суғориладиган қумли чўл, тақирли ва оч тусли бўз тупроқларда ҳар хил тупроқ-экологик шароитда беҳи, олма, ўрик, бодом, олча, шафтоли каби дарахтларининг экологик чидамлилиги, айрим биологик, физиологик, биогеоимёвий хусусиятлари ва ҳосилининг ўзгаришлари ҳамда ушбу экологик ҳолатларда меваги дарахтларни жойлаштириш сони ва схемаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Олиб борилганкўп йиллик лаборатория ва дала тажрибаларининг услубий жиҳатдан тўғрилиги ҳар йили махсус ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги ҳамда нашр этилган услубий кўрсатмалар асосида бажарилганлиги, олинган маълумотлар кўп омилли компьютер дастури ва математик-статистик усуллар ёрдамида қайта ҳисоб қилинганлиги, шунингдек, Республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги ҳамда Олий Аттестация Комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика илмий журналлари даврий нашрларида чоп этилганлиги, натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қашқадарё воҳаси суғориладиган қумли чўл ва тақирли, оч тусли бўз тупроқлари газ саноати чиқиндилари ( $H_2S$ ,  $SO_2$ ) таъсирига буферлик қобилиятининг аниқланганлиги, яъни тупроқ эритмасини ушбу таъсир натижасида ишқорийликдан нейтраллик томонга силжиши, корхонадан узоқлашган сайин тупроқ типи ва типчаларига  $H_2S$  ва  $SO_2$  таъсирининг камайиши, аксинча ҳолатда тупроқда зарарли тузларнинг ( $Na_2SO_4$ ,  $MgSO_4$ ) кўпайиши оқибатида қуруқ қолдиқнинг ортиши ҳамда ТСКда ва микроэлемент таркибида жиддий ўзгариш содир бўлмаганлиги ва олтингугуртнинг тупроқларда аккумуляцияси давом этаётганлиги билан изоҳланади.



Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти суғориладиган қумли чўл, тақирли ва оч тусли бўз тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш мақсадида мевали дарахтларнинг техноген моддаларга чидамлилиқ даражасининг мониторинги ишлаб чиқилганлиги, экологик қаторининг тузилганлиги, дарахтларни танлаш ва жойлаштириш схемасини ишлаб чиққанлиги ҳисобланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олтингургутли газ саноати чиқиндиларини чўл, бўз минтақа тупроқ ва мевали дарахтлар хоссаларига таъсири, яхшилаш йўллари борасида олиб борилган тадқиқотлар асосида:

заводлардан ажралиб чиқаётган турли хил заҳарли таъсир этувчи газлар миқдорини тупроқ ва ўсимликлар таркибида тўпланишини камайтириш мақсадида ўсимликларнинг экологик қатори ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2017 йил 27 декабрдаги №03-01/12-7502–сон маълумотномаси). Бунинг натижасида олтингургутли заҳарли газларни атмосфера орқали – тупроқ↔сув↔ўсимлик↔хайвонот оламига салбий таъсири камайган;

шамолнинг тезлиги ва йўналиши алоҳида эътиборга олинган ҳолда, мевали дарахтларни гектарига 900 туп беҳи, 500 туп олма, 300 туп ўрик, 100 туп бодом тартибида экиш тавсия этилган бўлиб, заводнинг №3, 5, 6, 7 цехлари атрофида ҳамда худуднинг ички ва ташқи 5,0 гектарли майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2017 йил 27 декабрдаги №03-01/12-7502–сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ажратилаётган чиқинди олтингургут элементининг атропо-муҳитга тарқалиши камайган;

мавзу доирасида 2015–2017 йилларда Қашқадарё вилояти Қарши тумани Пархуза даҳаси “Бурхон” фермер хўжалигининг 20 гектарли майдонида беҳи→олма→ўрик→олча→бодом→шафтоли экологик қаторлари бўйича боғ ташкил этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2017 йил 27 декабрдаги №03-01/12-7502–сон маълумотномаси). Натижада атмосфера ҳавоси орқали тарқалаётган олтингургут бирикмаларининг таъсири камайишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан 2 халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси юзасидан жами 25 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг асосий ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича бажарилган тадқиқот якунларига доир маҳаллий, хорижий адабиётларнинг фикр ва мулоҳазалари келтирилган, танқидий ёндошилган. Ушбу бобда газ саноати чиқиндилари ( $H_2S$  ва  $SO_2$ ) нинг тупроқнинг агрохимёвий ва агрофизикавий, мелиоратив, микробиологик хоссаларига таъсири ҳамда ўсимликларнинг биологик, физиологик хоссалари, ҳосили ва сифатига таъсири нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб тупроқлардаги микроэлементларнинг миқдорий ўзгаришларини ифодаловчи адабиётлар таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилган, мавзунинг долзарб эканлиги хулоса тариқасида қайд этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объекти ва услуби**» деб номланган иккинчи бобида танланган объектнинг литологик–морфологик таърифи, калит майдонлари ва агрохимёвий, микробиологик ҳамда лаборатория тажриба услублари тўғрисида баён этилган.

Тадқиқот объекти тариқасида чўл минтақаси ва бўз тупроқларнинг 4 та калит майдони танланган. Завод худудидан 4 та, суғориладиган ва курук қумли чўл тупроқларидан жанубий-шарқда 10 км узоқликда жойлашган Қарлик қишлоғи худудидаги суғориладиган тақирли оғир механик таркибли тупроқлардан 2 та, учинчи калит майдон заводдан 15 км (Касби тумани Майманок қишлоғи) узоқликда жойлашган, назорат тариқасида тўртинчи калит майдон эса заводдан 70 км узоқликда шаклланган Қарши шаҳри яқинидаги суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар танлаб олинган.

Тупроқнинг механик таркиби – Н.А.Качинский, гумус миқдори – И.В.Тюрин, ҳаракатчан азот ( $NO_3$ ) – Грандвальд-Ляж, ялпи NPK–И.М.Мальцева, Л.П.Гриценко, ҳаракатчан фосфор ва калий – Протасов, тупроқ микроорганизмлари – Н.А.Красильников, морфо–анатомик тадқиқот эса – М.Н.Прозина, анатомик белгиларини – А.А.Яценко-Хмелевский, транспирация – Г.Д.Мустақимов, фенологик кузатувлар – И.Н.Бейдеман ва академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий–тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган усуллари асосида олиб борилган.

Диссертациянинг «**Олтингугуртли чиқинди газларнинг тупроқ хоссаларига таъсири**» деб номланган учинчи бобида Қашқадарё воҳасида шаклланган асосий тупроқ типлари ва типчалари ҳамда улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланилиши, вилоят бўйича 452,2 минг гектар суғориладиган

тупроқлардан самарали фойдаланилиши келтирилган. Ушбу суғориладиган ерларнинг катта қисми оч тусли бўз, тақирли ва кумли чўл тупроқларига тўғри келади. Тадқиқот объекти тупроқларида сув ўтказувчанлиги, нам сиғими, капиллярлик хоссалари, озика моддалар ҳамда завод чиқиндиларининг тупроқ профили бўйлаб ҳаракатланиши ва уларнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиш даражаси тупроқнинг механик таркибига бевосита боғлиқ бўлганлиги учун ҳам унинг гранулометриқ таркиби хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган.

Оч тусли бўз тупроқларни ҳайдов қатламлари ўрта соз ва енгил соз механик таркибга эга бўлиб, қуйи томон енгиллашиб боради. Механик элементларнинг асосий қисми йирик чангдан иборат. Суғориш жараёнида эса тупроқ профилида нам режимининг мўътадиллашиб, яхшиланиб бориши, йирик заррачаларнинг нураши жадаллашишига ҳамда тупроқ гранулометриқ таркибининг оғирлашишига сабаб бўлади. Ҳажм масса бу тупроқларда 1,29–1,42 г/см<sup>3</sup> да тебранади, солиштирма массаси 2,69–2,68 г/см<sup>3</sup> ни, дала нам сиғими эса 12,2–19,8 фоизни ташкил қилган. Мазкур тупроқлар кам гумусли, кучсиз шўрланган (0,3–1,0%) ва шўрланмаган (<0,3) тупроқлар гуруҳига мансуб, шўрланиш химизмига кўра хлорид – сульфатли ва сульфатли шўрланиш типларидан иборат. Қашқадарё ҳавзасида тарқалган оч тусли бўз тупроқларнинг шўрланишга мойиллигини алоҳида қайд этиш лозим.

Суғориладиган тақирли тупроқлар қуйи аллювиал текислигида шаклланган. Бу тупроқлар дарё келтирилмаларини седимитацияси ва ўта қуруқ иқлим шароитида ўзининг эволюциясини бошидан кечиради. Тақирли тупроқларнинг ҳайдов қатлами енгил соз, кейинги қатламлари оғир соз механик таркибга эга. Шунини таъкидлаш жоизки, суғориладиган тақирли тупроқларнинг механик таркибини ташкил қилувчи кум, чанг ва ил заррачалари миқдори унинг вертикал профилида ҳар-хил нисбатда ҳамда миқдорда бўлади.


Механик элементлар орасида йирик чанг заррачаларининг миқдори 18–20 %, майда чанг 24–27 %, ил заррачаларнинг миқдори эса 33–37 % кўрсаткичларида кузатилади. Бу тупроқлар кучсиз даражада шўрланган бўлиб шўрланишга мойил. Тупроқнинг 0–70 см. ли қатламидаги ялли тузлар миқдори 0,371–0,483 %, шундан хлор иони миқдори 0,026–0,037 %, сульфатлар 0,171–0,241 фоизни ташкил қилади ҳамда хлорид – сульфатли типга киради.

Суғориладиган кумли чўл тупроқлари автоморф тупроқлар қаторидан жой олади, механик таркиби енгил. Қумли чўл тупроқларининг гранулометриқ таркиби суғориш таъсирида кескин ўзгаришларга учраган, яъни суғориш сувлари келтирган ил заррачалари тупроқнинг устки қатламларига жойлашиб уларда кумлоқ ҳамда енгил кумоқ механик таркибнинг шаклланишига олиб келган.

Қумли чўл тупроқлари ҳам кам гумусли бўлиб 0–60 см қатламида 24,2 т/га гумусга эга. Сув физик хоссалари механик таркибига боғлиқ бўлиб ҳажм масса 1,26–1,34 г/см<sup>3</sup>, ДНС 4,7–12,5 фоиз оралиғида тебранади, қолган сув физик хоссалари ҳам шу кўрсаткичларга боғлиқ равишда ўзгаради.

Олтингугурт, хусусан, буғланувчи барьерларда типоморф элемент сифатида кимёвий боғланишнинг турли шаклларини намоён қилади, тупроқ пайдо бўлиш жараёнларида, ўсимлик учун озика элемент сифатида ўзига хос тарзда иштирок этади. Арид иқлимли ҳудудларда олтингугурт миқдори етарли даражада бўлиб, ҳатто сульфатли шўрланган тупроқларни ҳам кузатиш мумкин.

Чўл тупроқлар таркибида олтингугурт бирикмалари аккумуляцияланади ва унинг асосий қисмини органик олтингугурт ташкил этади. Завод чиқиндилари таъсиридан ҳоли бўлган тупроқнинг 0–20 см қатламида 2003 йил ялпи миқдори 0,19 фоиз, 21–50 см ли қатламда 0,20 фоиз, 51–70 см қатламда 0,28 фоизни ташкил этган. Унинг органик миқдори 0–20 см қатламда 0,17 фоиз, 21–50 см қатламда 0,15 фоиз, 51–70 см қатламда 0,15 фоизни ташкил этди. 2010 йилда бу кўрсаткичлар 0,18–0,31 фоиз атрофида эканлиги кузатилган. Ялпи миқдорининг бир оз ошганлигини эса тупроқнинг 8 йил давомида маданийлашганлигининг ортиши билан изоҳлаш мумкин. Лекин органик олтингугурт миқдорида ўзгариш деярли йўқ. Аммо 3 ва 5 цех ҳудудларида ҳолат бутунлай бошқача, яъни йилдан йилга оз бўлсада ялпи ва органик олтингугурт миқдорининг ўсиши кузатилган. Олтингугуртнинг ялпи миқдори учун рухсат этилган миқдор (РЭМ) 0,05–0,25 мг/кг. 2003 йилда 5 – цех ҳудудида ялпи олтингугуртнинг тупроқ қатламларидаги миқдори 1,38–3,29 мг/кг бўлган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 2,03–3,38 мг/кг ни ташкил этган. РЭМ га нисбатан 27,6 мг/кг, айнан шунга ўхшаш ҳолатлар заводнинг 3 – цехида ҳам кузатилди. 2003 йилда 3 – цех ҳудудида ялпи олтингугуртнинг тупроқ қатламларидаги миқдори 1,72–3,51 мг/кг бўлган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 2,10–3,58 мг/кг ни ташкил этган (1-2 расм).



1-2 расм. Олтингугуртли газларни қумли чўл тупроқларида S динамикаси

3 ва 5-цехларда S миқдорга ўн баробар атрофида ортиқлиги кузатилиб, биогеокимёвий аномалия шароити шаклланган. Олтингугурт юқори эканлиги биогеокимёвий провинцияни келтириб чиқаришига сабаб бўлади. Аномал ёки провинция ҳолатлари мос равишда бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Завод ҳудудидаги суғориладиган қумли чўл тупроқларида олтингугурт миқдорининг нисбатан кўп бўлишига асосий сабаб бу тупроқлар таркибида микроорганизмлар миқдорининг нисбатан камлиги, микробиологик

жараёнларнинг нисбатан секин кечишига боғлиқ. Чунки юкори ҳарорат гумуснинг камайишига ҳамда намнинг етишмаслигига, тупроқдаги иммобилизация ҳамда оксидланиш-қайтарилиш жараёнларига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Тупроқ таркибидаги асосий озика моддаларининг ялпи ва ҳаракатчан миқдори тупроқ типи ва унинг маданийлашганлик даражасига боғлиқ. Энг кам гумус (0–70 см. ли қатламда 0,31 %) қумли чўл тупроқларида аниқланган бўлиб, тақирли тупроқларда 0,96 фоиз, бўз тупроқларда бу кўрсаткичлар 0,93–1,03 фоизни ташкил этади. Гумуснинг асосий қисми тупроқнинг устки қатламида тарқалган. Қумли чўл тупроқларда 0,66 фоиз, тақирли тупроқларда 1,31 фоиз, оч тусли бўз тупроқларда 1,20–1,38 фоизни ташкил этган. Қуйи қатламларга томон 0,80–0,63 фоизгача камайиб боради. Бошқа агрокимёвий кўрсаткичлар эса тупроқ типига, типчасига боғлиқ равишда ўзгаради.

Завод чиқиндилари таркибидаги олтингугурт бирикмаларининг тупроқ таркибидаги озик моддалар миқдори ҳамда уларнинг ўзлаштирилиш даражасига жиддий таъсир қилмайди. Тупроқнинг мелиоратив ҳолати, яъни унинг таркибидаги катион ва анионлар миқдори ёки гипотетик тузларнинг миқдори ҳамда сифат кўрсаткичлари тупроқ типлари кимёвий таркибининг шаклланишига географик ўрнига ва бошқаларга боғлиқ кечади.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш натижалари шуни кўрсатдики, тупроқларда сульфатлар миқдори йилдан йилга ортиб борган, корреляция коэффициенти эса 0,31дан 0,95 га ошган. Демак тупроқнинг шўрланиши сульфатларга бевосита боғлиқ бўлиб, чўлда буғланиш кучайган сари тупроқ эритмасининг концентрацияси ортиб бориши қуйидагича кузатилади: кийин эрийдиган темир бирикмалари → кремнезём → Са ҳамда Mg карбонат тузларига →  $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  (гипс) → натрий сульфат ( $\text{Na}_2\text{SO}_4$ ) → магний сульфат ( $\text{MgSO}_4$ ) → реакция охирида натрий хлорид ( $\text{NaCl}$ ) чўкмага тушади.

Ўрганилган тупроқларнинг алмашинувчи катионлари асосан элементлар даврий тузилишининг 1 ва 2 гуруҳидаги ишқорий ва ишқорий ер металлари билан тўйинган. Олтингугуртли газларнинг ўрганилган тупроқларга сингдирилган катионлари таркибига таъсири қисқа муддатларда деярли сезилмайди.

**а)** завод ҳудудида шамол йўналишига нисбатан 4 та тадқиқот тажриба калит майдончалари танланган. Биринчи калит майдони заводнинг шимолий томонида, иккинчиси эса шимолий – шарқда жойлашган бўлиб, завод чиқиндиларининг тушиш эҳтимоли жуда кам. Учинчи ва тўртинчи синов майдончалари эса заводнинг ғарбий ҳамда жанубий томонларида жойлашган бўлиб, чиқиндиларнинг асосий қисми шамол оқими бўйлаб ана шу кузатув майдонлари устига тушади.

Тадқиқот майдонларига нисбатан тоза ҳисобланган, яъни олтингугуртли газлар таъсиридан деярли холи бўлган 1 ва 2 – калит майдончаларда гумус

миқдоридаги ўзгаришлар 1<sup>а</sup> шимолий ҳудуд тупроқларида 2003 йил гумус миқдори ҳайдов қатламида 0,60 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йил бу кўрсаткич 0,64 фоизга етган, яъни 0,04 фоизга ошган.

Шимолий – шарқий ҳудудларга тегишли майдонларда ҳам шунга яқин тебранишларни кузатиш мумкин. Бу ҳолат ҳам агротехник тадбирлар билан, яъни тупроқни маданийлашган даражасининг ортиши билан боғлиқ. Лекин кейинги 2 та, ғарбий ва жанубий майдонлардаги ўзгаришларда олтингугуртли бирикмаларни таъсири 3<sup>а</sup> кесма, яъни ғарбий ҳудуддаги олтингугуртли газлар таъсирида бўлган. Олтингугуртли газлар таъсирида 7 йил давомида гумус миқдори дастлабки ҳолатга нисбатан 0,1 фоизга камайган.

Ялпи азотнинг тупроқ таркибидаги динамикаси асосан гумус миқдори билан боғлиқ. Ялпи фосфор ва калийдаги ўзгаришлар тупроқнинг генезиси ва қўлланилган агротехникаси ҳамда маданийлашганлик даражаларига боғлиқ равишда ўзгарган. Ҳаракатчан озика элементларидаги ўзгаришда ҳам бевосита олтингугуртли газларнинг таъсири сезиш қийин.

Тупроқдаги олтингугурт миқдори билан гумус ҳамда ялпи N, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>, K<sub>2</sub>O ва ҳаракатчан озика элементларига келсак, улар ўртасида корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлиб, қуйидаги кўринишга эга. Ялпи олтингугурт миқдори билан гумус ўртасида салбий ҳолат, яъни -0,2 ни ташкил этди. Шунга яқин ҳолатларни ялпи фосфор ва калийда ҳам кўриш мумкин. Лекин ҳаракатчан азот ва фосфорда кичик бўлсада боғлиқлиги (+0,52, +0,11) кузатилган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Олтингугурт, гумус ва озика элементларининг корреляциси

Кўрсаткичлар	S:гумус	Ялпи			Ҳаракатчан		
		S: N	S: P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	S: K <sub>2</sub> O	S: NO <sub>3</sub> <sup>-</sup>	S: P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	S: K <sub>2</sub> O
Ўрта арифметик қиймат	0,70:0,54	0,66:0,04	0,66:0,04	0,66:1,54	0,66:3,51	0,66:5,60	0,66:182,5
Ўртача квадратик четланиш	±0,11	0,52	0,52	0,52	0,51	0,51	0,51
Вариация коэффиценти	20,6	78,1	78,05	78,06	78,06	73,81	73,81
Корреляция коэффиценти	- 0,2	-3,29	-2,75	-0,17	+ 0,52	+ 0,11	- 0,29
Корреляция коэффиценти хатолиги	± 0,20	0,20	0,20	0,20	0,14	0,20	0,18


б) тупроқдаги оғир металлларга олтингугуртли газларнинг таъсири, асосан уларнинг тупроқда аккумуляцияланиш жараёни билан ифодаланади. Бунда тупроқ оғир металллар учун аккумуляторгина бўлиб қолмасдан, уларни ландшафт блокларида маълум даражада бошқарувчи дастлабки занжир бўлаги ҳисобланади.

2003 йил олтингугуртли газларни ҳар хил даражадаги таъсири остида темир элементининг миқдори 2,0–3,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда эса 2,2–3,6 фоизни ташкил этиши кузатилган. Бу ҳолат бошқа металлларга (Ni, Co, Cu, Zn, Cd, Pb) ҳам хосдир.

**Олтингугуртли газларни тупроқдаги микрофлорасига таъсири.** Тупроқларнинг микробиологик ҳолати суғориладиган қумли чўл тупроқларида баҳор ойларида тупроқнинг 0–15 см қатламда бактериялар

сони 1000 минг/г, 16–30 см қатламда 800 минг/г, 31–50 см қатламда 500 минг/г, куз (ноябр) фаслида эса бу кўрсаткичлар 1300 минг/г, 1100 минг/г, 800 минг/г ни ташкил этди. Тупроқдаги актиномецитлар сони 0–15 см қатламда 3000 минг/г, 16–30 см қатламда 3600 минг/г, 31–50 см қатламда эса 2800 минг/г, кузда эса 0–15 см қатламда 4,900 минг/г, 16–30 см қатламда 4500 минг/г, 16–50 см қатламда 3000 минг/г атрофида бўлиши аниқланди.

2 – тажриба майдони тупроғининг 0–15 см қатламида бактериялар сони баҳорда 1100, кузда 1500, 16–30 см қатламда эса 1600–2000 минг/г миқдорда эканлиги, баҳор ойларида 31–50 см қатламда 1000 минг/г, кузда 1300 минг/г, актиномецитлар сони баҳорда 0–15 см қатламда 4400 минг/г, кузда 5300 минг/г, 16–30 см қатламда 4700 минг/г, 5000 минг/г, 31–50 см қатламда баҳорда 2500 минг/г, кузда эса 4000 минг/г атрофида бўлиши аниқланган.




**3-расм. Олтингугуртнинг тупроқлардаги микроорганизмларнинг ривожланишига таъсири**

Нисбатан тоза ҳудуд ҳисобланган Қаршининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқларида микробиологик жараёнлар нисбатан фаол кечиши тупроқдаги микроорганизмларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларидан кўриниб турибди. Бу тупроқларнинг 0–15 см қатламида бактериялар сони баҳорда 1300, кузда 1700, 16–30 см қатламда баҳорда 1600, кузда 2300 минг, 31–50 см қатламда баҳорда 600 минг, кузда 1500 мингни ташкил этган бўлса, актиномецитлар сони янада кўпроқ 0–15 см ли қатламда баҳорда 5100 минг/г, кузда 5500 минг/г, 16–30 см қатламда баҳорда 4900 минг/г, кузда 4800 минг/г, 50 см қатламда баҳорда 3000 минг/г, кузда 3600 минг/г миқдорда эканлигини кўрсатди (3-расм).

Чиқиндиларнинг кучли таъсирида бўлган заводнинг суғориладиган қумли чўл тупроқлари таркибидаги бактерия, актиномецит ва замбуруғлар сони заводдан 10–15 км узоқликда жойлашган Қарлик қишлоғининг суғориладиган тақирли, ҳамда айниқса 70 км масофада жойлашган Қарши

шаҳрининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлариникига қараганда бактериялар 15 см қатламда 100–300 минг, 30 см қатламда 400–600 минг, 50 см қатламда 300–500 минг кам бўлган бўлса актиномецитлар сони эса ўз навбатида 15 см қатламда 15000 минг/г, 30 см ли қатламда 1100–1300 минг/г, 50 см. қатламда 300–500 минг/г кам эканлиги аниқланди (3-расм).

Диссертациянинг «Дарахтларнинг ўсиши ва ривожланишига, ҳосили ва унинг сифатига таъсири» деб номланган тўртинчи бобида олтингугурт бирикмаларининг таъсири натижасида дарахтларнинг ўсиб ривожланишида кескин тафовутлар борлиги аниқланди. Кузатувда бўлган ўсимликларнинг барглари сони новдаларнинг йиллик ўсиши, барг ва гул куртакларининг шакли ва ўлчамидаги ўзгаришлар экологик тоза муҳит ўсимликларига нисбатан катта фарқ қилиши аниқланди.



4-расм. Олтингугуртнинг мевали дарахтлар новдасининг йиллик ўсишига таъсири

Қарши тажриба назоратидаги барча мевали дарахтлар новдасининг йиллик ўсиши завод ичкарасидаги дарахтлар новдасининг йиллик ўсишидан сезиларли фарқ қилишини кўрсатди. Олча дарахтида бу кўрсаткич 2003 йилда 30,1 см, шафтолида 36,7 см, 2004 йилда олчада 26,1 см, шафтолида 31,3 см ўсган бўлса, завод ичи кузатувда бу кўрсаткичлар олчада 2003 йилда 18,2 см, шафтолида 23,0 см, 2004 йилда олчада 14,6 см, шафтолида 19,4 см ни ташкил этди (4-расм).



5-расм. Назорат тажриба участкасидаги олча барги морфологияси




Олма ўсимлигининг Қарши шароитида йиллик ўсиши 2003 йилда 42,8 см, беҳида 29,4 см, 2004 йилда олмада 40,5 см, беҳида 24,2 см. ни ташкил этган бўлса, завод ичида бу кўрсаткичлар олмада 2003 йилда 38,0см, 2004 йилда 36,2 см, беҳида эса 2003 йилда 26,2 см, 2004 йилда 22,0 см ни ташкил қилди (4-расм).



**6-расм. Олтингугурт бирикмалари олча барги морфологиясига таъсири**

Олтингугурт кислотасининг таъсирини кузатиш натижалари шуни кўрсатдики, бодом ва шафтоли ўсимликлари нисбатан эртароқ гулга кириб, оқибатда, бодомда пуч меваларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Шафтоли гуллари эса уруғланмай 10-15 фоиз кўп тўкилишига сабаб бўлган, қолаверса ҳосилнинг сифатига ўз таъсирини ўтказди (7-расм).



**7-расм: Бодом мевасининг сифатига таъсири.**

Мевали дарахтлар орасида сувсизланиш даражаси назорат ўсимликларидан ўрикда 15,0, олмада 15,3, беҳида 10,3, бодомда 10,5 фоизга тенг бўлган. Қарлик тажриба ўсимликларидан олмада 11,4, ўрикда 9,3, беҳида 17,0 бодомда 16,1 фоизни ташкил этди. Ўсимликлар баргидаги транспирация жараёни ўзгарган, яъни шафтоли барги орқали транспирация кумли чўл тупроқларда энг кучли, тақирли ва оч тусли бўз тупроқли шароитдаги ўсган ўсимликлар эса аксинча.

Олтингугурт миқдори мевали дарахтларда ўзаро таққосланганда беҳи баргида 0,156 фоиз, олмада 0,142 фоиз, ўрик ва бодомда 0,136–0,138 фоиз атрофида бўлиши, ўсимлик новдасида эса олтингугурт бирикмалари кескин камайиб 0,108–0,110 фоиздан, 0,116–0,131 фоизгача миқдорларни ташкил этиши кузатилди.

Лаборатория натижаларининг таҳлилига кўра, барча дарахтлар меваси таркибидаги олтингугурт миқдори ўсимлик новдасидагига нисбатан ўртача 0,015–0,020 фоизга, баргдигига нисбатан эса 0,040–0,050 фоизгача оз бўлиши,

завод ичи ҳамда Қарлик тажриба синов майдонларида ўсувчи ўсимликларнинг барча органларида эса назоратга нисбатан кўп бўлиши аниқланди. Қарши шароитида ўсувчи дарахтларнинг баргидаги олтингугурт миқдори завод ва Қарликдаги ўсимлик баргидаги олтингугурт миқдоридан 0,07–0,020 фоизга, новдасида эса 0,03–0,04 фоизга кам бўлиши кузатилди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Мевали дарахтларнинг турли органларидаги сульфат иони миқдори, (SO<sub>4</sub><sup>2-</sup>), фоиз.2007й.

Т/м	Ўсимлик номи	Барг	Новда	Мева
Завод худуди	Олма	0,154 ± 0,008	0,117 ± 0,001	0,103 ± 0,008
	Ўрик	0,145 ± 0,001	0,123 ± 0,001	0,090 ± 0,001
	Беҳи	0,168 ± 0,001	0,136 ± 0,001	0,120 ± 0,001
	Бодом	0,149 ± 0,001	0,133 ± 0,001	0,118 ± 0,001
	Олча	0,151 ± 0,001	0,121 ± 0,008	0,108 ± 0,001
	Шафтоли	0,145 ± 0,001	0,114 ± 0,009	0,094 ± 0,001
Қарлик қишлоғи	Олма	0,160 ± 0,001	0,120 ± 0,001	0,100 ± 0,008
	Ўрик	0,140 ± 0,001	0,118 ± 0,001	0,104 ± 0,001
	Беҳи	0,173 ± 0,001	0,112 ± 0,007	0,116 ± 0,001
	Бодом	0,153 ± 0,153	0,139 ± 0,001	0,109 ± 0,001
	Олча	0,155 ± 0,001	0,130 ± 0,001	0,104 ± 0,001
	Шафтоли	0,148 ± 0,001	0,123 ± 0,001	0,102 ± 0,001
Қарши шаҳри	Олма	0,142 ± 0,001	0,110 ± 0,006	0,091 ± 0,007
	Ўрик	0,137 ± 0,001	0,116 ± 0,009	0,107 ± 0,009
	Беҳи	0,156 ± 0,001	0,131 ± 0,001	0,124 ± 0,001
	Бодом	0,136 ± 0,001	0,128 ± 0,001	0,113 ± 0,009
	Олча	0,140 ± 0,001	0,114 ± 0,001	0,096 ± 0,008
	Шафтоли	0,133 ± 0,009	0,108 ± 0,008	0,083 ± 0,008

Ўсимликлар меваси ва уни айрим қисмларидаги олтингугурт миқдорининг таҳлили шуни кўрсатдики, мевали дарахтлардан беҳи ва бодом вегетатив ва генератив органлари таркибида табиий ҳолатда олтингугурт миқдори 0,143–0,148 фоиз бўлган, бу кўрсаткич ўрик баргида 0,123 фоизни ташкил этса, олча ва олма дархтларида оралик натижаларини кўрсатди. Олтингугурт миқдorigа кўра, айрим мевали ўсимликлар ҳамда уларнинг органлари ўртасидаги баъзи тафовутлар шу ўсимликлар таркибидаги олтингугурт сақловчи аминокислоталар миқдorigа боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

## ХУЛОСАЛАР

1. Муборак газни қайта ишлаш заводи атрофидаги чўл минтақаси суғориладиган қумли чўл, тақирли, оч тусли бўз тупроқлари таркибида тўпланаётган олтингугурт бирикмали газларнинг салбий таъсири 10–15 км масофада эканлиги кузатилиб, манбадан узоқлашиши билан бу таъсир камайиб бориши кузатилган. Атмосфера ҳавоси орқали тарқалаётган олтингугурт бирикмали газлар билан ифлосланиш даражасининг камайиб

бориши натижада тупроқ таркибидаги сув-физик, агрокимёвий, физик – кимёвий хусусиятларнинг яхшиланиб бориши исботланган.

2. Олтингугуртли газлар таъсирида бўлмаган суғориладиган қумли чўл тупроқлари таркибидаги умумий ва ҳаракатчан шаклдаги олтингугурт миқдорларида жиддий ўзгаришлар содир бўлмайди. 0–20; 21–50; 51–70 см тупроқ қатламларида ялпи олтингугурт миқдори 0,19-0,20 фоиз бўлган бўлса 2010 йилда 0,18–0,31 фоиз ни ташкил қилди. Олтингугуртли чиқинди газлар таъсиридаги тупроқ таркибидаги олтингугурт миқдорида жиддий ўзгаришлар мавжуд, яъни 2003 йили тупроқдаги ялпи олтингугурт миқдори 1,38– 3,29 фоизни ташкил қилган бўлса, 8 йилдан кейин 2,03–3,38 фоизни ташкил этди, олтингугурт аккумуляцияси кузатилди.

Сингдирилган катионлар миқдори суғориладиган қумли чўл тупроқлардан тақирли тупроқлар орқали оч тусли бўз тупроқлар томон ортиб боради. 2003 йилга нисбатан 2010 йилда бу катталиқ юқориқ бўлиб, тупроқларнинг маданийлашганлик даражаси билан боғлиқ кечади. Ўрганилган тупроқлар ичида тақирли тупроқлар 2003 йилдан 2010 йилгача кучсиз шўртоб даражада қолади, лекин 2010 йилда сингдирилган натрий миқдори 2003 йилга нисбатан камайган. Бу ижобий ҳолатни кўрсатади.

3. Суғориладиган шароитда сульфатредуцияловчи бактериялар иштирокида S дан сульфат кислота ҳосил бўлади ва тупроқда сульфатли тузларни хусусан  $\text{CaSO}_4$ ,  $\text{MgSO}_4$ ,  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  ларни кўпайтиради. Ўз навбатида ялпи олтингугурт миқдори ҳам ортади. Бу ортиш кўпроқ ғарбий ва жанубий йўналишдаги суғориладиган қумли чўл тупроқларга тўғри келади.

Суғориладиган қумли чўл тупроқларининг уфқ томонлари бўйлаб агрокимёвий хусусиятлари 8 йил давомида деярли ўзгармайди. Бу тупроқларда олтингугурт билан гумус, олтингугурт билан ялпи азот, олтингугурт билан ялпи фосфор ўртасида корреляцион боғланиш йўқ, аммо ҳаракатчан  $\text{NO}_3^-$  ва  $\text{P}_2\text{O}_5$  билан ижобий бўлиб +0,52–0,11 ни ташкил қилди.

4. Суғориладиган қумли чўл, тақирли ва оч тусли бўз тупроқларида оғир металллар Fe, Ni, Co, Cu, Zn, Cd, Pb миқдорларида жиддий ўзгаришлар кузатилмади. Ушбу металллар ўртасида ўзаро корреляцион боғланишлар йўқ. Кучсиз боғланиш + 0,10; + 0,15 атрофида Cu : Zn ва Cd : Pb ўртасида мавжуд.

5. Суғориладиган қумли чўл, тақирли, оч тусли бўз тупроқларда микроорганизмларнинг умумий миқдорини ҳайдов қатламларида кўплиги; кейинги қатламларга тушган сайин камайиб бориши аниқланди. Бактерияларни актиномицетларга нисбатан кўплиги ҳам ушбу тупроқларга хос.

Оч тусли бўз тупроқларда микроорганизмларнинг миқдори кўп ва сифат кўрсаткичлари қумли чўл ва тақирли тупроқларга нисбатан яхши.

6. Олтингугуртли газ чиқиндилари таъсирига чидамлилиқ даражасига кўра, мевали дарахтларнинг экологик қатори мониторингибеҳи → олма → ўрик → бодом → олча → шафтоли тартибида жойлашади.

7. Тупроқ кимёвий ифлословчилар ( $\text{H}_2\text{S}$  ва  $\text{SO}_2$ ) учун вертикал ва горизонтал йўналишда махсус барьер ва филтёр ролини ижро этади. Бунда ўзи биогеохимёвий ўзгаришларга юз тутаяди. Механик протектор функциясини ижро этади. Ўзининг хусусий биокимёвий хоссаси ҳисобига

заҳарли моддалар учун депо ролини ижро этади. Хусусан,  $H_2S$  ва  $SO_2$  газлари сингдирувчи барьер, атмосферани газ режимини бошқарувчи сфера. Лекин протекторлик вазифасини ижро этишда сингувчи полютантлар миқдори кўпайиб кетган тақдирда унинг, яъни тупроқнинг унумдорлиги пасаяди ҳамда функцияси кескин бузилади, яъни деградацияга учрайди.

8. Антропоген омил, яъни  $H_2S$  ва  $SO_2$  каби чиқинди газлар бу ҳудудларни батамом носоғлом ҳолатга тушуриши мумкин. Қумли чўл ва тақирли тупроқларда халқаро стандартга кўра кучсиз ва ўртача чўлланиш кучаймоқда, яъни, бу тупроқларда шўрланиш қуруқ қолдиқ бўйича 0,20–0,4 ва 0,4–0,6 фоиз оралиғида жойлашади, бу ўсиш  $S$  ҳисобида бўлади. Шу боис ушбу ҳудуд локал мониторинг олиб боришга муҳтож.

9. Олтингугуртли чиқинди газлар чиқариладиган корхоналарда энг аввал бу хом ашёни, яъни  $H_2S$  ва  $SO_2$  атмосферага чиқармасдан фойдаланадиган технологиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Қолаверса бундай корхоналар шамолли ҳудудларга қурилиши керак токи чиқарилган чиқиндилар концентрацияланмасин.

10. Олма барги, беҳи меваси, чанг ютувчи ҳамда саноат чиқиндилари таъсирига чидамли бўлганлиги туфайли, уларни завод ичи ва ташқарисидаги махсус ташкил этилган боғларга, олча ва шафтолини эса атмосфера ҳамда тупроқ қурғокчилигига  $H_2S$  ва  $SO_2$  газларига нисбатан чидамсиз эканлигини инobatга олиб завод атрофидан узоқроқ (20 – 25 км) масофалардаги суғориладиган оч тусли бўз тупроқларга жойлаштириш, бу тадбирларни амалга оширишда масофаси, шамолнинг тезлиги ва йўналиши тупроқ типини алоҳида эътиборга олиб, гектарига: 900 туп беҳи, 500 туп олма, 300 туп ўрик, 100 туп бодом экиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.27.06.2017.QX/В.43.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО – ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ**

---

**ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ДИЁРОВА МУХАББАТ ХУРРАМОВНА**

**ВЛИЯНИЕ СЕРНИСТЫХ ОТХОДОВ ГАЗОВОЙ  
ПРОМЫШЛЕННОСТИ НА СВОЙСТВА ПОЧВ И РАСТЕНИЙ  
АРИДНОЙ ЗОНЫ И ПУТИ ИХ УЛУЧШЕНИЯ**

**03.00.13 – Почвоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2018**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.4.PhD/B142

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Ферганском государственном университете

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский, и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по адресу: (www.soil.uz) и в информационно-образовательном портале "ZiyoNet" по адресу(www.ziyo.net.uz)

**Научный руководитель:** Юлдашев Гулям  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Исаков Валижон Юнусович  
доктор биологических наук, профессор

Абдрахмонов Тухтасин Абдрахмонович  
кандидат биологических наук, доцент

**Ведущая организация:** Самаркандский сельскохозяйственный институт

Защита состоится «05» 03 2018 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо,3. Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии (НИИПА). Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz.

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института почвоведения и агрохимии (зарегистрирован за № 6). Адрес: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо,3.Тел. (99871) 246-15-38

Автореферат диссертации разослан «21» 02 2018 года  
(реестр протокола рассылки № 1 от 21.02.2018г.)



**Р.К.Кузиев**  
Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.б.н., профессор

**Н.Ю.Абдурахмонов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
учёных степеней, к.б.н., старший научный  
сотрудник

**М.М.Ташкузиев**  
Председатель научного семинара по присуждению  
учёных степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии(PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день во всем мире, в результате деятельности различных промышленных предприятий, добычи полезных ископаемых, использования их в различных отраслях и влияния антропогенного фактора наблюдается химическое загрязнение почвенного покрова, изменение его свойств, а также снижение плодородия почв, так как в 116 странах мира функционируют более 660 нефтеперерабатывающих заводов<sup>1</sup>. Загрязнение окружающей среды приводит к образованию кислотных дождей, деградации почв, снижению качества и количества урожайности, а также к образованию проблем, связанных с экосистемой.

Ведущие исследовательские центры и высшие учебные заведения мира, такие как<sup>2</sup>: International Maritime Organization (IMO) United States Department of Agriculture, American University Washington (США), China National Environmental Monitoring Center (Китай), Московский государственный университет (Россия), University Tsukuba, University Kyoto (Япония), Anaisda Academia Brasil Global Forum of Agricultural Research (GFAK) разрабатывают и внедряют в производство новые технологии по очистке почвы и растений от токсикантов, аккумулирующихся через атмосферный воздух.

Сегодня в сельском хозяйстве республики, в том числе системе охраны земельных ресурсов и их рационального использования, ведется целенаправленная научная и научно-практическая работа и достигнуты определенные результаты. В связи с этим, в республике были проведены исследования по воздействию промышленных отходов на различные типы почв, влияние техногенных веществ, химических соединений, называемых тяжелыми металлами, на почвенный и весь растительный покров, разработаны способы очистки почв от нефтепродуктов, разработаны технологии по снижению действия тяжелых металлов в орошаемых почвах. В то же время, недостаточное внимание уделено мерам по снижению воздействия различных химических соединений, распространенных в атмосферном воздухе на окружающую среду в различных почвенно - климатических условиях. В Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы «...Непрерывное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, расширение производства экологически чистой продукции, значительное увеличение экспортного потенциала аграрного сектора» были определены как важнейшие стратегические задачи. Поэтому, важно выявить признаки токсичного действия химических веществ, выделяемых из промышленных отходов, в различных почвенно-

---

<sup>1</sup> <http://www.mathproinc.com>

<sup>2</sup> <https://www.usda.gov>; [www.chinacp.org](http://www.chinacp.org); <http://www.imo.org>; <http://www.edu.khsu.ru>; <http://www.american.edu>  
<http://www.tsukuba.ac.jp>; <http://www.kyoto-u.ac.jp/ja>; <http://www.scielo.br>

климатических условиях и проводить научные исследования по очистке окружающей среды с экологической точки зрения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», «О программе действий по охране окружающей среды на 2013-2017 годы в Республике Узбекистан» за № 142 и Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 13 февраля 2018 года за № 375 «О порядке формирования и использования средств Фонда охраны окружающей среды и обращения с отходами», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

